

Рус князи Александр Невскийнинг Кремлда сакланаётган дубулгаси сир-саноатга тўла



Дубулга жуда махорат ва гўзал килиб ясалган. Олтин накш ва олмос, жавохир ҳамда кимматбахо тошлар билан безатилган, кизил темирдан гумбаз шаклида ясалган. Тадкикотчилар ушбу дубулгани синчиклаб ўрганиб, унда араб ёзувлари борлигин аниклашди. Проваслав князининг дубулгасида! Яна бу оддий ёзув бўлмай Куръони каримдаги Саф сурасининг маолан “Аллохнинг ёрдами ва галаба билан мўминларга хушхабар бер” деб буюрилган 13-оятни каримаси эди.

Ривоятларга кўра, Невский дубулгаси XVII асрда махсус Романов сулоласининг биринчи подшоси Михаил Федорович учун ясалган. Сарой устаси Никита Данилов эса уни кимматбахо тошлар билан беаган. Бу дубулга “Подшо Михаил Федоровичнинг Иерихон дубулгаси” деб ном олади.

XX асрда тарихчилар дубулганинг Александр Невскийга тегишли бўлганига шубхаланиб, бу ривоятга ишонмадилар. Кўплаб текширув ва экспертизалардан кейин дубулганинг XVII асрда Шарк ўлкаларида ясалган деган хулосага келишди. Кейинчалик рус подшосининг кўлига тушгач, христианлаштирилади.

Нима учун подшо ислом харфларини ўчириб ташлашни буюрмади. Бундан хабари бўлмаган десак, подшо саройида араб ёзувларини биладиган кўплаб татарлар фаолият

кўрсатган.

Иван Грозний ва бошка бир катор ўрта аср Руси хукмдорларининг дубулгасини араб ёзувлари бегаб тургани кизикарли холат.

Подшоларнинг ўз дубулгаларидаги бу ёзувлар ва уларнинг таржималарини билганлари аник. Айрим тарихчиларга кўра, улар Куръон сураларининг илохий кучига, жангларда ёрдам беришига ишонишган.

[Манба](#)